

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ САРДОРБЕК ХОЖИБОЕВИЧ**

**КОЛЛАГЕН ВА ФИБРОИННИНГ АКРИЛ МОНОМЕРЛАРИ БИЛАН  
ПАЙВАНД СОПОЛИМЕРЛАНИШИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
Chemical science**

Каримов Сардорбек Хожибоевич Коллаген ва фиброиннинг акрил мономерлари билан пайванд сополимерланиши.....	3
Каримов Сардорбек Хожибоевич Привитая сополимеризация акриловых мономеров с коллагеном и фиброином .....	21
Karimov Sardorbek Khojiboyevich Graft copolymerization of acryl monomers with collagen and fibroin .....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ САРДОРБЕК ХОЖИБОЕВИЧ**

**КОЛЛАГЕН ВА ФИБРОИННИНГ АКРИЛ МОНОМЕРЛАРИ БИЛАН  
ПАЙВАНД СОПОЛИМЕРЛАНИШИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К29 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (polchemphys.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рафиков Адхам Салимович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Акбаров Хамдам Икрамович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Кудышкин Валентин Олегович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ «\_\_\_» соатидаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7<sup>б</sup>. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: [polymer@academy.uz](mailto:polymer@academy.uz)).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7<sup>б</sup>. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.Ш. Рашидова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.ф.д., профессор, академик

**Н.Р. Вохидова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д.

**В.О. Кудышкин**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунёда алоҳида полимерларнинг хусусиятлари сақланиб қолган ёки уларнинг хоссаларини олдиндан билиш мумкин бўлган янги хусусиятли полимер материаллар олиш бўйича гомоген ёки гетероген муҳитда функционал-фаол мономерларни полимерлар билан, шунингдек, гетероген фазада толалар ва тўлдирувчилар юзасида биргаликда полимерланишига оид илмий изланишлар тобора кенгайиб бормоқда. Изланишлар оловбардошлик, гидрофоблик, лиофоблик ва бошқа махсус хоссаларга эга бўлган тўқимачилик материаллари олиш имконини беради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги ўтган йиллар мобайнида тўқимачилик ва енгил саноатнинг ривожланишига, толали хомашёни тайёр маҳсулот ҳолатигача комплекс қайта ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ноорганик ва органик антипиренлар, гидрофоб моддалар билан тўқимачилик матоларига якуний ишлов бериш орқали оловбардош ва гидрофоб материаллар олишга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида принципал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш вазифалари белгиланган. Бу борада маҳаллий табиий полимерлар юзасида полимер антипиренлар, акрил мономерларини пайвандлаш орқали юқори молекуляр бирикмалар олиш, махсус хоссали тўқимачилик материалларини яратишга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотларнинг кўрсатишича, пайванд сополимерланишнинг услубиятлари, қонуниятлари ва жараёнлар механизми массада, эритмада, суспензияда ёки эмульсияда амалга ошириладиган радикал ёки ионли полимерланиш жараёнларидан фарқ қилади. Сополимерлаш инициатор ёки катализаторнинг бирон-бир полимер билан, толалар ёки тўлдирувчиларнинг юзасидаги молекулалари билан кимёвий ёки адсорбцион ўзаро таъсир этишидан бошланади. Бундай ўзаро таъсир натижасида пайвандланган полимер занжирларининг кейинги ўсишини таъминлайдиган радикал ёки ион характерга эга бўлган фаол марказлар вужудга келади. Функционал-фаол мономерларнинг табиий полимерлар билан пайванд сополимерларини ҳосил бўлиш шароитларини аниқлаш, тадқиқ этаётган системалардаги полимерланиш жараёнларининг кинетик параметрларини, механизмини, сополимерларнинг физик-кимёвий ва механик хоссаларини ўрганиш, полимер композицияларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда полимерлашнинг бундай услубини амалий қўллаш соҳаларини аниқлаш юқори молекуляр бирикмалар кимёси ва технологиясининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини

ривожлантириш устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чоралари дастури тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда коллаген структураларнинг морфологиясини, физик-кимёвий ва механик хоссаларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, Wallace D.G., Holmes D.F., Graham H.K., Parry D.A. коллагеннинг морфологиясини, Ottani V., Reiser K., Paul R.G., Церетели Г.И., Wu J.J., Васильев М.П., Жукова Т.В., Tang K., Беркхаут Х.Й. ва бошқалар физик, кимёвий ва амалий хоссаларини тадқиқ этишган. Коллаген билан кутбли функционал гуруҳли синтетик полимерларнинг мойиллиги яхши эканлиги аниқланган.

Gao Ya-feng, Karmakar N.C., Mostafa Kh.M., Dong Yan-mao, Pimpon V., Мельник Н.Л., Wang Li-Qun, Yang Yang, Liu Yinghai, Kolya H., Thakur V.K., Okieimen F.E., Eromosele I.C., Vasile Cornelia, Teramoto Y., Ekebafе L.O., Mishra Anuradha, Озерин А.Н., Махолова А.Е., Fares Mohammad, Семчиков Ю.Д., Андрианова З.Б., Смирнова Л.А. ва бошқалар томонидан акрил ва винил мономерларининг крахмал, целлюлоза, хитозан, коллаген, табиий ипак фиброини билан пайванд сополимерланиши қонуниятлари ва сополимерлар хоссаларини ўрганишга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда мономерларни табиий полимерлар билан пайванд сополимерланиши бўйича илмий изланишлар акад. М.А.Асқаров, акад. С.Ш.Рашидова ҳамда уларнинг шогирдлари томонидан олиб борилмоқда.

Тадқиқотчиларнинг асосий диққати коллагеннинг ўзига хос ноёб хоссаларидан фойдаланиш ва у асосида композицион материаллар олишга қаратилган. Табиий ипак фиброинининг пайванд сополимерланиш жараёнлари етарлича тадқиқот қилинмаган. Шу муносабат билан мазкур ишда акрил мономерларнинг коллаген ва фиброин билан пайванд сополимерланиш жараёнларини тадқиқ этиш ва натижалардан толали материаллар ишлаб чиқишда самарали фойдаланиш вазифаси қўйилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-02 «Функционал-актив мономерларнинг толалар ва тўлдирувчилар юзасида пайванд сополимерланиши» (2012-2016 йй.)

мавзусидаги фундаментал лойиҳаси ва А-12-9 «Табиий ва синтетик пайванд сополимерлар асосида толали материаллар олиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** акрил мономерларининг оксил макромолекулалари билан пайванд сополимерланиш услуби, кинетик параметрлари, схемасини, сополимерларнинг физик-кимёвий, механик ва амалий хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

полимер, инициатор, мономернинг гомоген ва гетероген жараёнларда ўзаро таъсирлашуви орқали пайванд сополимерланишни иницирлаш услубларини ишлаб чиқиш;

акрил мономерларининг коллаген ва фиброин билан пайванд сополимерланишининг кинетик параметрларини аниқлаш;

системадаги иницирлаш ва ўсиш марказларнинг табиатини, полимер занжирини иницирлаш ва ўсиш тезликларини аниқлаш;

ҳосил бўлаётган полимер зажирларнинг молекуляр характеристикаларини, пайвандланиш даражаси ва самарадорлигини, структураси ва хоссаларини аниқлаш;

сополимерларнинг ва улар асосидаги тўқимачилик материалларининг физик-кимёвий ва механик хусусиятларини аниқлаш;

толалар юзасида пайванд сополимерланиш жараёнларидан амалда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Табиий полимерлар – коллаген, табиий ипак фиброини; мономерлар – акрил кислотаси, метакрил кислотасининг эфирлари, акрилонитрил; радикал полимерланиш инициаторлари – калий персульфат, азоизомой кислотанинг динитрил эфири; тўқимачилик материаллари, эритувчилар.

**Тадқиқотнинг предмети.** Акрил мономерларининг табиий полимерлар билан ва тўқимачилик материаллари юзасида радикал инициаторлар иштирокида пайванд сополимерланиш жараёнлари, сополимерлар ва улар асосидаги материалларнинг хоссалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида дилатометрик, вискозиметрик, ПМР ва ИҚ–спектроскопия, дифференциал-термик анализ, дифференциал сканировловчи калориметрия ва физик-механик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инициаторнинг оксил макромолекуласида пептид ва аминогурӯҳлар билан таъсирлашуви натижасида акрил мономерларини пайвандланиш жараёнлари схемаси ишлаб чиқилган;

коллаген ва фиброинни акрил мономерлари билан пайванд сополимерланиш реакцияларининг кинетик тартиблари ва активланиш энергияси одатдаги радикал полимерланишдан фарқ қилиши аниқланган;

пайвандланиш даражасини, сополимерланиш тезлиги, синтез қилинган полимерлар ва улар асосидаги материалларнинг тузилиши ҳамда физик-

кимёвий хоссаларини бошқариш параметрлари аниқланган;

ишлов берувчи моддаларни тўқимачилик матоси молекулаларига пайвандланиши махсус хоссаларни яхшилаш омили эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

функционал-фаол мономерларни эритмадан гомоген муҳитда ва тўқимачилик матоси юзасида олдиндан физик адсорбциялаш орқали гетероген муҳитда коллаген ва фиброин билан пайванд сополимерланишни иницирлаш услуби ишлаб чиқилган;

шаклини йўқотмайдиган ва оловга чидамли материаллар олиш учун табиий ва синтетик пайванд сополимерлардан амалда фойдаланишнинг имкониятлари ва афзалликлари кўрсатиб берилган;

тўқимачилик материалларини оловдан ҳимоялаш учун ишлов берилмайдиган янги композиция ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий натижалар ва хулосаларнинг асосланганлиги изланишларнинг замонавий физик-кимёвий тадқиқот услубларини қўллаш асосида, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «TezUZ» сертификатлаш марказининг экспериментал базасида, ЎзР ФАнинг илмий лабораторияларида ва ЎзР ИИВнинг Ёнғин хавфсизлиги Олий техник мактаби лабораториясида амалга оширилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Натижаларининг илмий аҳамияти синтез қилинган сополимер тузилиши, хоссалари ва пайвандланаётган мономер табиати ўртасидаги ўзаро боғланиши аниқланган. Материалларнинг эгилувчан-пишиқлиги ва физик-кимёвий хоссалари табиий полимер ва функционал-фаол мономернинг миқдорий нисбати ва синтез шарт-шароитларини бошқариш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таркибида коллаген, акрил эмульсияси, бор кислотаси ва калий персульфат бўлган тўқимачилик материалларини оловдан ҳимояловчи ишлов бериш учун зарур бўлган композиция олинганлиги билан изоҳланади. Термик ишлов жараёнида компонентларнинг ўзаро бир-бирига кимёвий боғланиши натижасида ҳўллаб ишлов беришга чидамли, ёниши эса қийин кечадиган тўқимачилик материали вужудга келади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда функционал-фаол мономерларнинг табиий полимерлар билан пайванд сополимерланиши бўйича изланишларнинг илмий натижалари асосида:

тўқимачилик материалларини оловдан ҳимояловчи ишлов бериш учун композицияга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 0523430, 2016). Натижада композициянинг қўлланилиши материалнинг оловбардошлик хоссаларини ошириш имконини беради;

тўқимачилик материалларини оловдан ҳимояловчи ишлов учун композиция «Ўзбекенгилсаноат» АЖ корхонасида амалиётга жорий этилган



(«Ўзбекенгилсаноат» АЖ нинг 2017 йил 20 июлдаги ФЖ-12-2281-сон маълумотномаси). Натижада оловга чидамли материалнинг тажриба-саноат партиясини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш нашр этилган. Улар 1 та монография, 1 та ихтиро учун патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола бўлиб, шу жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пайванд сополимерланиш бўйича илмий тадқиқотлар ҳолатининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган, нашр этилган ишлар манбаалари бўйича илмий изланишлар ва таҳлил натижаларининг обзори берилган. I боб иккита параграфдан ташкил топган. Биринчи параграфда коллаген олиш ва унинг хоссалари бўйича илмий изланишлар кўриб чиқилган. Тадқиқотчилар томонидан хайвонлар терисидан колагенни ажратиш усуллари ишлаб чиқилган, унинг асосида турли материаллар олинган ва ўрганиб чиқилган. Иккинчи параграфда функционал-фаол мономерлар билан табиий полимерларнинг пайванд сополимерларини олиш ва уларнинг хусусиятлари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «**Сополимерланишнинг кинетик боғлиқликлари**» деб номланган иккинчи бобида коллаген олиш бўйича тадқиқотларнинг натижалари, акрил мономерларининг коллаген ва фиброин билан пайванд сополимерланишининг кинетик қонуниятлари баён этилган. Тери намуналарига NaOH эритмаси билан ишлов бериб, сўнгра сирка кислотаси билан нейтраллаб, коллагеннинг қовушқоқ эритмалари олинган. NaOH эритмасининг концентрациясига боғлиқ тарзда эрувчанликнинг температура–вақт режими ўзгаради. Коллаген эритмаси қовушқоқлигини ишқор концентрациясига ва


температурага боғлиқлиги тадқиқ қилинган (1-расм).

Ишқор концентрацияси 5% дан ва температура 60°C дан юқори бўлганда олинган эритма қовушқоқлиги кичик бўлиб, коллаген намунасининг мустақамлиги паст ва мўрт бўлар экан. Шу сабабли кейинчалик терилардан коллаген эритиб олиш ишқорнинг 3% ли эритмасида, 60°C дан паст бўлган температурада амалга оширилди. Электролитларни йўқотиш мақсадида коллаген эритмаси сирка кислотаси билан нейтраллангандан сўнг диализ қилинди. Коллагеннинг акрил мономерлари билан пайванд сополимерланиши калий персульфат (ПК) иштирокида сувда ва азоизомой кислотасининг динитрил эфири (ДАК) иштирокида органик эритмаларда амалга оширилди. Коллагеннинг полиакрил кислотаси (ПАК) билан пайванд сополимери этанолда эримайди. Шунинг учун сополимерни чўктириш ва гомополимерни экстракция қилиш этанолда, метакрил кислотаси эфирларининг сополимерларини чўктириш ва экстракция қилиш жараёнлари ацетонда амалга оширилди.



1-расм. Коллаген эритмаси нисбий қовушқоқлигининг NaOH концентрациясига (а) ва температурага (б) боғлиқлиги, эриш вақти – 1 соат.


Кейинги изланишлар коллагеннинг акрил мономерлари билан пайванд полимерланиши асосий кинетик боғлиқликларини аниқлашга бағишланади.



2-расм. MMA билан коллаген пайванд сополимерланиши тезлигининг ДАК (а), MMA (б) концентрациясига ва температурага (в) боғлиқлиги.

Коллагеннинг пайванд сополимерланиш кинетикаси метилметакрилат (ММА) ва акрил кислотаси (АК) мисолида ўрганиб чиқилди. Сополимерланиш тезлигининг мономерлар концентрациясига ва инициатор концентрациясига боғлиқлиги, конверсиянинг кичик қийматларида, чизиқли характерга эга. Бу эса реакциялар тартибини аниқлашга имконият яратади (2- ва 3- расмлар). Логарифмик боғлиқликлар бўйича сополимерланиш тезлигининг мономер, инициатор бўйича тартиби ва активланиш энергияси ҳисоблаб чиқилган. Реакциялар тартибининг олинган қийматлари ДАК бўйича – 0,78 ва ПК бўйича – 0,86, полимер занжирларнинг биомолекуляр узилиш ҳолатлари учун қабул қилинган қийматдан фарқ қилади. Бундай ҳолат пайвандланган инициаторнинг битта молекуласидан юзага келувчи ва дарҳол умумий макромолекуляр тугун ҳосил қилувчи «қардош» ўсувчи занжирларнинг узилиши билан изоҳланади. Занжирларнинг «қардошлик» узилиши реакциянинг кинетик тартибини инициаторнинг концентрацияси бўйича 0,5 эмас 1 бўлишини юзага келтириши лозим. Биз кўриб чиқаётган ҳолда, реакция тартиби ПК ва ДАК концентрацияси коллаген билан ўзаро таъсирда иштирок этаётган инициаторнинг улуши билан мослашмоқда. Реакциянинг ММА бўйича тартиби – 1,4 ва АК бўйича – 1,2, радикал полимерланиш жараёнларига хос бўлган ҳолатдир.

Мономерлар бўйича реакция тартибининг юқорилашган қийматлари мономер молекулаларининг коллаген билан реакцияларида, жараённи иницирлашда ва занжирнинг ўсишида иштирок этаётганлигини кўрсатади.




3-расм. АК билан коллаген пайванд сополимерланиши тезлигининг ПК (а), АК (б) концентрациясига ва температурага (в) боғлиқлиги.

Пайванд сополимерланиш реакциясининг температура коэффиценти 1,3–1,7 оралиғида жойлашган. Жараённинг умумий активланиш энергияси тезлик константаси логарифмининг температура тескари қийматига боғлиқлиги бўйича аниқланган:  $\lg \alpha = E/19,12$ . Умумий активланиш энергияси АК учун (38,2 кЖ/мол) ва ММА учун (45,4 кЖ/мол) мономерларнинг гомополимерланиш энергиясига нисбатан анчагина паст. Бу ҳолат шундан далолат берадики, пайванд сополимерланиш энергетик жиҳатдан афзалроқ шароитларда амалга ошар экан. Умумий активланиш энергияси қийматининг пастлиги инициаторнинг коллаген макромолекуласи билан ўзар таъсири натижасида

актив марказлар ҳосил бўлиши энергиясининг анчагина пастроқ эканлиги сабаблидир.

Коллагендан фарқли равишда АКнинг фиброин билан полимерланиш жараёни гетероген фазада амалга ошади. Аввало, ҳом ипак серициндан совун-содали эритмада ажратиб олинади. Сополимерланиш системасида фиброин толалари, АК ва ПК нинг сувдаги эритмаси мавжуд. АК нинг фиброин билан пайванд сополимерланиши тезлигининг АК, ПК концентрациясига ва температурага боғлиқлиги аниқланган (4-расм).



4-расм. АК нинг фиброин билан пайванд сополимерланиши тезлигининг ПК (а), АК (б) концентрациясига ва температурага (в) боғлиқлиги.

Реакция тартибининг олинган АК бўйича – 1,8 ва ПК бўйича – 0,95 қийматлари радикал полимерланишдан фарқ қилади. АК нинг фиброин билан пайванд сополимерланиши реакцияси тезлигининг ҳароратга боғлиқлиги чизиғига кўра умумий активланиш энергияси – 54,5 кЖ/мол ни ташкил этиб, у оддий радикал полимерланишдагидан паст экан. Бу ҳолда, активланиш энергиясининг қиймати коллаген билан пайванд сополимерланишдагидан юқори. Демак, акрил мономернинг коллагенга пайванд полимерланиши, яъни гомоген жараёнда, энергетик жиҳатдан авзолроқ шароитларда амалга ошар экан.

Диссертациянинг «**Пайванд сополимерланиш жараёнлари схемаси тадқиқотлари**» деб номланган учинчи бобида коллаген, табиий ипак фиброини, ПК, АК, ММА, АНларнинг ИҚ ва ПМР-спектрлари таҳлил қилинди. Мономерлардаги  $C=C$  ва  $C=O$  боғларнинг, акрилонитрилнинг  $C\equiv N$ , эфирларнинг  $C-O$ , полимерлар ва мономерларнинг  $C-N$ , бирламчи ва иккиламчи аминогрухларнинг  $N-H$  ва  $O-H$  боғларининг валент ва деформацион (симметрик ва асимметрик) тебранишларининг ютилиш чизиқлари юқори аниқликда топилди.

Коллагеннинг ИҚ-спектрларида 1549 и 1656  $cm^{-1}$  ( $\delta_{N-H}$ ), иккиламчи аминогрухлар учун 1549  $cm^{-1}$  да, бирламчи аминогрухлар учун – 1656  $cm^{-1}$ , 2929, 3070 ва 3356  $cm^{-1}$  ( $\nu_{N-H}$ ,  $\nu_{O-H}$ ,  $\nu_{-CH_2-}$  даги ютилиш чизиқлари аниқланган.  $\delta_{-CH_2-}$  ютилиш чизиқлари 1403 ва 1452  $cm^{-1}$  да,  $\nu_{C-N}$  эса, 1241 ва 1082  $cm^{-1}$  да аниқланган. Фиброиннинг ИҚ-спектрларида, 2926–3444  $cm^{-1}$  ( $\nu_{N-H}$ ,  $\nu_{O-H}$ ), 1541

ва  $1640\text{ см}^{-1}$  ( $\delta_{\text{N-H}}$ ) да,  $1401\text{ см}^{-1}$  ( $\delta_{-\text{CH}_2-}$ ),  $1229$  ва  $1161\text{ см}^{-1}$  ( $\nu_{\text{C-N}}$ ),  $632\text{--}697\text{ см}^{-1}$  (пептид гуруҳининг скелети) да ютилиш чизиклари аниқланган.

Текширувдан ўтказилган мономерларда,  $1620\text{--}1660\text{ см}^{-1}$ ,  $1703\text{--}1732\text{ см}^{-1}$  ( $\text{C=O}$  АК ва ММА)  $2240\text{ см}^{-1}$  ( $\text{C}\equiv\text{N}$  АН) соҳалардаги кўшбоғларнинг характеристик валент тебранишлари аниқланади.

ПК спектрларда  $1059\text{ см}^{-1}$  даги кучли ютилишлар чизиғи  $\text{S=O}$  симметрик валент тебранишларга тегишли бўлади. Эҳтимол,  $2136\text{--}2570\text{ см}^{-1}$  соҳадаги чизиклар гуруҳи, кумулирланмаган кўшбоғлар  $\text{O=S=O}$  га тегишлидир, лекин  $558\text{--}690\text{ см}^{-1}$  соҳаларда  $\text{SO}_4^{2-}$  ионига тегишли бўлади.  $1262\text{--}1295\text{ см}^{-1}$  даги дуплет, эҳтимол, пероксид  $-\text{O}-\text{O}-$  боғларининг тебранишлари натижасида юзага келади.

Коллагеннинг ПК билан ўзаро таъсирлашув маҳсулотида, пептид гуруҳга тегишли (1-жадвал) янги сигналнинг пайдо бўлиши кузатилади. Кутилганидек, ПК  $\text{O}-\text{O}$  боғлари сигналнинг интенсивлиги сезиларли камаяди. Бир вақтда, коллагенни  $\text{C}-\text{N}$  ва  $\text{C}-\text{H}$  боғларининг ютилиш чизиклари интенсивлиги ҳам камаяди, пептид гуруҳнинг  $\text{N}-\text{H}$  ютилиш чизиғи силжийди.

Аниқланган ўзгаришлар пайванд сополимерланиш актив марказларининг ҳосил бўлишида пептид гуруҳининг ёки  $\text{CH}$  гуруҳ протонининг иштирок этаётганлигини исботлайди.

Бундан ташқари, ютилиш чизиғи интенсивлигининг камайиши ва силжиши кўринишидаги энг катта ўзгаришлар, бирламчи аминогуруҳга эмас, балки пептид гуруҳининг азот ва водород атомлари ўртасидаги боғларга тегишлидир.

1-жадвал

### Коллагеннинг ПК билан ўзаро таъсиридаги ИҚ-спектрлар ютилиш чизиклари ҳолати ва интенсивлигининг ўзгаришлари

Ютилиш чизиғи, $\text{см}^{-1}$	Тебраниш тури	Атомлар, боғлар	Аниқланган ўзгаришлар
524		$\text{NCO}$	янги ютилиш чизиғининг пайдо бўлиши
1241	валент	$\text{C}-\text{N}$	интенсивлик камайиши
1262	валент	$\text{O}-\text{O}$	интенсивлик камайиши
1334	симметрик деформацион	$\text{CH}$	интенсивлик камайиши
1567	деформацияон	$\text{NH}$	интенсивлик камайиши, силжиш
1637	деформацион	$\text{NH}$	силжиш
2997	валент	$\text{NH}$	силжиш

Фиброиннинг ПК билан ўзаро таъсири тадқиқотлари натижалари, юқоридаги тизимнинг натижаларидан фарқ қилади (2-жадвал).

Бу ерда, шунингдек, ПК боғлари валент тебранишларининг ютилиш чизиклари жадаллиги анча камаяди. Пероксогуруҳ боғлари тебранишларининг ютилиш чизиғи йўқолиб кетади. Интенсивлик ва ютилиш соҳасининг ўзгаришлари, фиброиннинг боғлари учун ҳам кузатилади. Фиброиннинг бирламчи аминогуруҳи ютилиш чизиклари силжийди, пептид гуруҳнинг


тебранишлари эса деярли ўзгармайди. Эҳтимол, фиброиннинг ПК билан ўзаро таъсирида, асосан фиброин таркибидаги лизин ва аргининнинг бирламчи аминогуруҳлари реакцияга киришиши мумкин.

2-жадвал


**Фиброиннинг ПК билан ўзаро таъсиридаги ИҚ-спектрлар ютилиш чизиқлари ҳолати ва интенсивлигининг ўзгаришлари**

Ютилиш чизиғи, см <sup>-1</sup>	Тебраниш тури	Атомлар, боғлар	Аниқланган ўзгаришлар
450–707		SO <sub>4</sub> <sup>2-</sup>	чизиқлар сонининг кўпайиши
1262	валент	O–O	интенсивлик камайиши
1350	симметрик деформацион	CH	интенсивлик камайиши
1563	деформацион	NH <sub>2</sub>	силжиш


Адабиёт манбаларининг таҳлили ва спектроскопик изланишларнинг натижалари бўйича, табиий полимерларнинг макромолекулаларини радикал инициаторлар билан ўзаро таъсиридаги актив марказларнинг ҳосил бўлиш реакциясини қуйидаги схемалар билан ифодалаш мумкин:



Пайвандланган занжирларнинг актив марказлари табиати ва уларнинг ўсиш ва узилиш реакцияларини аниқлаш учун сополимерларнинг ИҚ-спектрлари ва полимерлар, мономерлар ва пайвандланган сополимерларнинг ПМР-спектрлари тадқиқ қилинди.



5-расм. Коллагеннинг ММА (а) ва АК (б) билан ИҚ-спектридаги С–N боғлар валент тебранишларининг ютилиш чизиқлари.




6-расм. Фиброиннинг ММА (а) ва АК (б) билан ИҚ-спектридаги С–N боғлар валент тебранишларининг ютилиш чизиқлари.

Сополимерларда, 1113, 1273, 1329, 1362  $\text{см}^{-1}$  (коллаген–АК) ва 953, 1019, 1281, 1337  $\text{см}^{-1}$  (коллаген–ММА) да, эҳтимол янги  $\nu_{\text{C-N}}$  боғларнинг (5-расм) валент тебранишларига тегишли бўлган янги ютилиш чизиқлари пайдо бўлади. Фиброин сополимерларининг спектрларида, янги ютилиш чизиқлари 1720–1731  $\text{см}^{-1}$  (C=O) да пайдо бўлади, C–N боғлар валент тебранишларининг ютилиш чизиқлари 1226–1374  $\text{см}^{-1}$  соҳасида пайдо бўлади (6-расм). Энди, табиий полимерлар ва сополимерларнинг ПМР-спектрларини таҳлил қиламиз. Коллаген молекуласида, 0,85 м.д. ( $\text{CH}_3-$ ), 1,32 м.д. ( $-\text{NH}-$ ), 1,83 м.д. ( $-\text{NH}_2$ ), 1,55 м.д. и 1,67 м.д. ( $-\text{CH}_2-$ ), 1,95 м.д., 2,23 м.д. и 2,50 м.д. ( $\text{NHCO}$ ), 2,60 м.д. ( $\text{CH}_2-$ ), 3,56–4,52 м.д. ( $-\text{CH}_2-\text{OH}$ ,  $=\text{CH}-\text{OH}$ ,  $-\text{COOH}$ ) кимёвий силжишлар аниқланган.


Коллагеннинг АК ва ММА билан сополимерлари ПМР-спектрларида мономерлар винил гуруҳи протонлари сигналлари,  $-\text{NH}-$  пептид гуруҳ протонлари сигналлари интенсивлигининг камайиши кузатилади. Коллагеннинг АК билан сополимерида 3,45–3,71 м.д., ММА билан сополимерида 3,40–3,71 соҳаларда, ПАК ёки ПММАга тегишли бўлган кимёвий силжишлар пайдо бўлади.

2,74 м.д. ва 2,70 м.д. даги янги сигналлар, эҳтимол  $-\text{CH}_2-\text{NC}_2$  протонга тегишли бўлиши мумкин, бу эса ПАК ёки ПММА нинг пептид гуруҳи азоти атомига бириктирилганлигини кўрсатади (7-расм).




7-расм. Фиброин (а) ва коллаген (б) га пайвандланган ПАК нинг кимёвий силжишлари сигналлари.



Тадқиқотлар натижалари асосида, функционал-актив мономерларнинг табиий полимерларга пайванд сополимерланиш реакциясини қуйидаги схемалар билан ифодалаш мумкин:




Пайвандланган полимер занжирларнинг ўсиши:



Конверсиянинг кичик даражаларида, эрувчи сополимер ҳосил бўлади. Бу ҳолда, занжирнинг узилиши, диспропорция механизми ёки занжирни инициатор радикалига узатиш механизми бўйича содир бўлади:



Конверсиянинг етарлича чуқур даражадаларида тўрсимон эримайдиган полимерлар ҳосил бўлади. Бу ҳолда, занжирнинг узилиши, рекомбинация механизми бўйича содир бўлади:



Тақдим этилган схемаларда, табиий полимерларга пайванд сополимерланиш жараёнининг энг эҳтимолий реакциялари тасвирланган. Коллаген ва фиброиннинг оксил макромолекулаларига синтетик полимерлар азот атомлари бўйича пайвандланади.

Диссертациянинг «Сополимерларнинг молекуляр характеристикалари ва тузилишлари» деб номланган тўртинчи бобда пайвандланиш параметрларининг инициатор ва мономер концентрациясига боғлиқлиги тадқиқ этилган (3, 4-жадваллар).

3-жадвал

Акрил мономерларнинг коллагенга пайвандланиш кўрсаткичлари ва пайвандланган занжирлар ўртача молекуляр массасининг инициатор ва мономер концентрациясига боғлиқлиги.  $T=60^{\circ}C$ , вақт – 4 соат

Моно-мер	Мономер концен-трацияси, моль/л	Инициатор концен-трацияси, моль/л·10 <sup>2</sup>	Поли-мерла-ниш унуми, %	Пай-ванд-ланиш даража-си, %	Пай-ванд-ланиш самара-дор-лиги, %	Поли-мерла-ниш ўртача даража-си	Пайванд ланган занжир-ларнинг ўртача ММ
АК	2,19	0,38	22,7	13,1	72	65	4700
	2,19	1,12	59,0	35,4	75	59	4200
	2,19	1,87	95,7	52,8	69	57	4100
	1,39	1,12	55,8	22,1	79	35	2500
	3,47	1,12	67,4	43,6	52	105	7500
ММА	2,03	0,55	17,5	6,1	48	33	3300
	2,03	1,65	49,0	17,4	49	30	3000
	2,03	2,75	72,3	21,5	41	27	2700
	1,0	1,65	46,8	10,7	64	14	1400
	3,0	1,65	58,2	24,3	39	53	5300



3-жадвалдаги маълумотларга кўра, коллагенга пайвандланган АК ва ММА сополимерларининг молекуляр параметрлари, инициатор ва мономерлар концентрацияси ўзгаришига мувофиқ равишда ўзгармоқда. Инициаторнинг концентрацияси пайвандланиш даражасига, мономернинг концентрацияси эса – пайвандланган занжирларнинг молекуляр массасига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Олинган натижаларни фиброин сополимерлари билан солиштирганда (4-жадвал), қуйидаги фарқларни кўриш мумкин. Агарда, коллагеннинг сополимерлари учун инициаторнинг концентрацияси пайвандланиш самарадролигига деярли таъсир кўрсатмаса, фиброиннинг сополимерларида эса, инициаторнинг концентрацияси ортиши билан, пайвандланиш самарадорлиги бир қанча ортиши кузатилади. Бунга, инициатор молекулаларининг полимернинг юзаси билан кўшимча адсорбцион ўзаро таъсири кўмак беради.

Инициаторнинг бир хил концентрациясида иницирлаш марказларининг сони ўзгармайди ва мономерлар концентрацияси ортиши билан, ҳар бир фаол марказга бирлашувчи молекулалар сони ортиб боради. Албатта, бу пайвандланган занжирларнинг полимерланиш даражаси ва молекуляр массасининг пропорционал ортишига олиб келади.

Инициатор концентрациясининг ортиши билан, полимерланиш даражаси ва унга кўра синтетик полимер пайвандланган занжирларининг молекуляр массаси қонуний равишда камаяди.

4-жадвал

Акрил мономерларнинг фиброинга пайвандланиш кўрсаткичлари ва пайвандланган занжирлар ўртача молекуляр массасининг инициатор ва мономер концентрациясига боғлиқлиги.  $T=60^{\circ}\text{C}$ , вақт – 4 соат

Моно-мер	Мономер концен-трация-си, моль/л	Инициатор концен-трацияси, моль/л $\cdot 10^2$	Поли-мерла-ниш унуми, %	Пай-ванд-ланиш даража-си, %	Пай-ванд-ланиш самара-дор-лиги, %	Поли-мерла-ниш ўртача даража-си	Пайванд ланган занжир-ларнинг ўртача ММ
АК	1,39	0,37	40,2	12,2	30,3	75	5400
	1,39	0,74	69,9	26,3	37,6	65	4700
	1,39	1,11	95,1	42,9	45,1	60	4300
	0,69	0,74	64,6	13,9	43,0	30	2200
	2,08	0,74	71,3	34,5	32,3	100	7200
ММА	1,0	0,37	52,8	11,3	21,4	71	7100
	1,0	0,74	77,4	19,6	25,3	52	5200
	1,0	1,11	91,5	28,2	30,8	42	4200
	0,5	0,74	66,8	10,7	32,0	23	2300
	1,5	0,74	79,6	25,3	21,9	80	8000

Сополимерларнинг тузилиши, кўпроқ, инициатор концентрациясига боғлиқ бўлади. Конверсиянинг етарлича катта даражаларида, инициатор

концентрациясининг ошиши билан, полимер гел-фракциясининг улуши ортиб боради.

Диссертациянинг «Синтез қилинган сополимерлар ва улар асосидаги материалларнинг хоссалари ва қўлланилиши» деб номланган бешинчи боби сополимерлар ва улар асосидаги тўқимачилик материалларининг физик-кимёвий, механик ва амалий хоссаларини, уларнинг молекуляр характеристикалари ва тузилишларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш бўйича тадқиқотларга бағишланган. Зичлик, эрувчанлик, термобарқарорликнинг сополимер таркибига боғлиқлиги аниқланган. Пайвандланиш даражаси ва тўрсимон тузилиш зичлигининг ортиши билан, сополимернинг зичлиги ва термобарқарорлиги ортади.

Функционал-фаол мономерларнинг тўқимачилик матолари юзаларида полимерлаштирилиши, янги материаллар олиш учун хизмат қилади. Коллаген-полиакрил композиция асосида шаклсақловчи тўқимачилик буюмлари деталларини тайёрлаш учун пардали материал олинган. Материал бир қатор хоссаларга эга: шаклнинг юқори чидамлилиги ва механик мустаҳкамлиги; коллаген, полиакрилат ва асос толаларининг пайвандланиши сабабли хўл ишловларга чидамлилиги; компонентларнинг пластик массаси таркиби ва уларни қоплаш кетма-кетлигини ўзгартириб, материалнинг эластик-мустаҳкамлик хусусиятларини ўзгартириш имконияти; композицияни тайёрлаш соддалиги ва локал қоплаш имконияти мавжудлиги.

Тадқиқот натижаларини амалда қўллашнинг бошқа йўналиши бу – пайвандланган сополимерлар асосида оловга бардошли тўқимачилик материални яратиш. Тўқимачилик материалларига оловдан ҳимояловчи ишлов бериш учун композиция яратилди (5-жадвал). Композиция таркибига акрил эмулсияси, коллаген эритмаси, борат кислотаси, калий персулфатини киритиш; материални сув-дисперсия эритмасида шимдириш, ишлов берилган материални қуритиш ва термофиксация қилиш орқали мақсадга эришилади.

5-жадвал

Тўқимачилик материаллари намуналарининг оловбардошлик хоссалари.

№	Намуна ўлчами, мм·мм	Намуна массаси, m; г		Масса камайиши, %	Олов таъсир этиш вақти, с	Алангаланмиш вақти, с	Изоҳ
		Синовдан олдин	Синовдан кейин				
1	2,8·10	2,35	2,1	11	10	3	Чўғланди
2	2,8·10	2,4	2,2	8	10	-	Ёнмади
3	2,8·10	2,6	2,5	4	10	-	Ёнмади
4	2,8·10	2,75	2,6	5	10	-	Ёнмади
5	2,8·10	2,9	2,7	7	10	-	Ёнмади

Материал толаларига моддаларни мустаҳкам боғлаш учун композиция куйидаги массалар (%) нисбатидаги компонентлардан иборат: акрил эмулсия – 10-15, борат кислотаси – 3-5, коллаген эритмаси – 12-18, ПК – 1,020-0,025, сув – қолгани.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, санаб ўтилган компонентларнинг биргаликда қўлланилиши, махсус мақсадларга мўлжалланган тўқимачилик материалларининг оловга бардошлилигини оширишга имкон беради.

Кўрсатиб ўтилган асосий кўрсаткичларнинг ўзгариши билан бир вақтда, материалларнинг бошқа физик-кимёвий кўрсаткичлари ҳам яхшиланади.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар услуги» деб номланган олтинчи бобида тадқиқот объекти характеристикалари, пайванд сополимерланишни ўтказиш услуги ҳамда сополимерлар ва улар асосидаги материалларнинг физик-кимёвий ва механик хоссаларини тадқиқ қилиш услуги.

## ХУЛОСА

1. Акрил мономерларни тери коллагени ва табиий ипак фиброини билан сополимерланишида актив марказлар табиий полимер функционал гуруҳларининг радикал полимерланиш инициатори билан ўзаро таъсири ҳамда адсорбцияси натижасида ҳосил бўлади. Барча текширилган моддалар ва уларнинг ўзаро таъсири маҳсулотлари ИҚ- ва ПМР-спектрлари таҳлили бўйича, инициатор оксил молекулаларининг пептид ва аминогуруҳлари билан эркин электронни ҳосил қилган ҳолда таъсирлашуви таклиф қилинди.

2. Пайванд сополимерланишни иницирлаш ва полимер занжирларининг ўсиши янги С–N боғларни ҳосил бўлиши билан мономер молекуласи макромолекуланинг актив марказига бирикиши натижасида амалга ошади. ПК ва ДАК иштирокида актив марказлар ҳосил бўлиши, иницирлаш ва полимер занжирларнинг ўсиш ва узилиш реакциялари схемалари таклиф этилган.

3. Юзада боғланган инициаторлар тезроқ парчаланади, улар учун парчаланишнинг активланиш энергияси, ўхшаш шароитларда оддий термопарчаланишга қараганда 30-50 кЖ/молга пастроқ бўлади. Инициатор концентрациясининг ортиши билан, полимерланиш унуми, пайвандланиш даражаси сезиларли ортади, бунда, пайвандланган занжирларнинг полимерланиш даражаси ва молекуляр массаси ҳам анча пасаяди. Мономерлар концентрациясининг ортиши билан эса, полимерланиш унумининг бироз ортиши, пайвандланиш самарадорлиги деярли ўзгармаслиги, пайвандланган занжирларнинг полимерланиш даражаси ва молекуляр массаси ортишига эришилган.

4. Сополимерларнинг тузилиши кўпроқ инициаторнинг концентрациясига боғлиқ бўлади. Реакция унумининг етарли даражаларида, инициатор концентрациясининг ортиши билан полимер гел-фракцияси улуши ҳам ошади. Пайвандланган занжирларнинг молекуляр массаси ортиши билан, кейинчалик

тўрсимон тузилишни ҳосил қиладиган ўсувчи занжирларнинг рекомбинацияси эҳтимоли ҳам ошиб бориши асосланган.

5. Сополимерларнинг эрувчанлиги, зичлиги, термобарқарорлиги, пайвандланиш даражасига мос равишда ўзгаради. Пайвандланиш даражасининг ва бевосита тикилган тузилма тўрлари зичлигининг ортиши, сополимернинг зичлиги ва термобарқарорлигини ҳам ортишига олиб келиши аниқлаган.

6. Пайвандланган сополимерлар асосидаги тўқимачилик матоларининг физик-кимёвий хоссалари пайвандланаётган полимернинг табиатига, айниқса, унинг масса улушига боғлиқ бўлади. Барча материалларнинг қалинлиги ва юза зичлиги, синтетик полимернинг пайвандланиш даражаси ортиши билан қонуний ва пропорционал равишда ортади. Материалларнинг эластиклик-деформация хоссалари, ҳам тикиш даражаси, ҳам мономерларнинг табиати билан бошқарилиши таклиф этилган.

7. Пайванд сополимерланиш жараёнларининг амалий тадбиқи учун, инициаторни эритмадан дастлабки адсорбцияси усулини қўллаш тавсия этилади. Бу ҳолда, пайвандланиш самарадорлиги, мономер ва инициаторни бир вақтда киритилишига қараганда икки баравар кўпроқ бўлади. Функционал-фаол мономерларни толалар юзасидаги пайванд сополимерларини оловга чидамли, гидрофоб ва лиофоб тўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш учун муваффақиятли қўллаш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.ФМ/К/Т.36.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**КАРИМОВ САРДОРБЕК ХОЖИБОЕВИЧ**

**ПРИВИТАЯ СОПОЛИМЕРИЗАЦИЯ АКРИЛОВЫХ МОНОМЕРОВ С  
КОЛЛАГЕНОМ И ФИБРОИНОМ**

**02.00.06 – Высокомолекулярные соединения**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКАМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/K29**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Рафиков Адхам Салимович</b> доктор химических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Акбаров Хамдам Икрамович</b> доктор химических наук, профессор  <b>Кудышкин Валентин Олегович</b> доктор химических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский химико-технологический институт</b>

Защита диссертации состоится « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 г. в « \_\_\_\_\_ » часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM/K/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7<sup>б</sup>, Тел: (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61; e-mail: [polymer@academy.uz](mailto:polymer@academy.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № \_\_\_ (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7<sup>б</sup>, Тел: (99871) 241-85-94;

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2017 года).

**С.Ш. Рашидова**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., профессор, академик

**Н.Р. Вохидова**

Учёный секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.х.н.

**В.О. Кудышкин**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время во всем мире расширяются исследования совместной полимеризации функционально-активных мономеров с полимерами в гомогенной или гетерогенной среде, на поверхности волокон и наполнителей в гетерогенной фазе для получения новых полимерных материалов, в которых сохраняются свойства отдельных полимеров и появляются новые, прогнозируемые свойства. Исследования позволяют получить огнестойкие, гидрофобные, лиофобные и другие текстильные материалы со специальными свойствами.

За годы независимости нашей страны особое внимание уделяется развитию текстильной и легкой промышленности, комплексной переработке волокнистого сырья до готового изделия. В том числе, достигнуто получение огнестойких и гидрофобных материалов в результате заключительной обработки текстильных полотен неорганическими и органическими антипиреними, гидрофобными веществами. Задачи освоения принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение конкурентоспособности национальных товаров на внутреннем и внешнем рынке указаны в стратегии Действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан. В этом аспекте проведение научных и практических исследований, направленных на получение высокомолекулярных соединений, разработку текстильных материалов со специальными свойствами путем прививки полимерных антипиренов, акриловых мономеров на поверхности местных природных полимеров приобретает особую значимость.

Как показали научные исследования в мире, методика проведения, закономерности и механизм процессов привитой сополимеризации отличаются от процессов радикальной или ионной полимеризации в массе, растворе, суспензии или эмульсии. Сополимеризация начинается с химического или адсорбционного взаимодействия инициатора или катализатора с каким-либо полимером, с поверхностными молекулами волокон и наполнителей. В результате такого взаимодействия образуются активные центры радикального или ионного характера, которые обеспечивают дальнейший рост привитых полимерных цепей. Определение условий получения привитых сополимеров природных полимеров с функционально-активными мономерами, исследование механизма, кинетических параметров процессов полимеризации в исследуемых системах, физико-химических и механических свойств сополимеров, определение областей практической реализации такого метода полимеризации с учетом специфических свойств полимерных композиций является актуальной проблемой химии и технологии высокомолекулярных соединений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-1442 от 15 декабря 2010 года «О приоритетах развития промышленности Республики Узбекистан в 2011-2015 годах» и ПП-

2687 от 21 декабря 2016 года «О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017-2019 годы», в Указе УП-4947 от 7-февраля 2017 года «Стратегия Действий по пяти основным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Большое внимание уделяется исследованию морфологии коллагеновых структур, физико-химических и механических свойств коллагена. В том числе, Wallace D.G., Holmes D.F., Graham H.K., Parry D.A. исследовали морфологию, Ottani V., Reiser K, Paul R.G., Церетели Г.И., Wu J.J., Васильев М.П., Жукова Т.В., Tang K., Беркхаут Х.Й. и другие физические, химические и прикладные свойства коллагена. Определена хорошая совместимость коллагена со синтетическими полимерами с полярными функциональными группами.

